2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 40 (296), 2021 йил 25 февраль, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ЭКИНЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДНИ КЕСКИН КЎПАЙТИРИШ ВА СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ УСТУВОР ВАЗИФА

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 24 февраль куни қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида жорий йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Қишлоқ хўжалиги — мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, иш ўринлари ва аҳоли даромадини кўпайтиришда катта манбалардан бири ҳисобланади. Шу боис, соҳага доир кўплаб ҳужжатлар қабул қилиниб, зарур шароитлар яратиб берилди. Боғдорчилик, узумчилик, мева-сабзавотчилик, шоличилик, чорвачиликни ривожлантириш, сувни тежаш, агрокорхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари йўлга қўйилди.

Экинларни оқилона жойлаштириш ва илм билан етиштириш орқали бу йил ҳар бир гектардан олинадиган даромадни 5 минг долларга етказиш мақсади белгиланган.

— Экинлардан олинадиган даромадни кескин кўпайтириш ва сувдан оқилона фойдаланиш соҳадаги энг устувор вазифа бўлиши керак, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Бунинг учун экинларни ҳар бир туманнинг ўзига хослиги, маҳаллаларда тарихан шаклланган деҳқончилик кўникмалари, сув таъминотидан келиб чиқиб жойлаштириш зарурлиги қайд этилди. Мисол учун, Мирзаобод туманидаги айрим майдонларда пахта ҳосилдорлиги 12 центнерни ташкил қилмоқда. Лекин у ердаги маҳаллаларнинг ихтисослашуви ўрганилганда, анор етиштириш имконияти ва қайта ишлаш корхонаси борлиги аниқланган.

Худди шунингдек, Фориш ва Элликқалъа туманларида винобоп узум навларини ўстириш мумкин. Булоқбоши туманида саримсоқпиёздан яхши даромад олиш, хонадонларга имтиёзли кредит бериш орқали йилига 1 минг тонна экспортбоп узум етиштириш имконияти бор.

— Жорий йил 1 мартдан бошлаб, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида боғ, ток ва иссиқхона учун аҳолига ажратиладиган кредитлар муддати 3 йилдан 7 йилгача, имтиёзли даври эса 1 йилдан 3 йилгача узайтирилади. Бу — одамларнинг истаги, ўзгаришлар учун имконият, — деди Шавкат Мирзиёев.

Лалми ва яйлов ерларни фойдаланишга киритиш, бу орқали доимий ва мавсумий иш ўринлари яратиш муҳимлиги таъкидланди.

Маълумки, ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган вазифаларга мувофиқ, ишсиз фуқароларга 10 сотихдан 50 сотихгача ер берилмоқда. Мутасаддиларга ушбу ерларни аҳолига яқин жойдан ажратиб, уруғ, ўғит ва техника таъминотида кўмаклашиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, жорий йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини 702 минг тонна уруғ ва 105 миллион туп кўчат билан таъминлаш зарур.

Лекин бу борада тизим йўлга қўйилмагани аҳолига ҳам, экспортчиларга ҳам қийинчилик туғдирмоқда. Навларнинг сифати, маҳсулотларнинг етилиш муддати ташқи бозорларда етакчи ўринларга чиқиш имконини бермаяпти.

Шу боис, энди Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳамда унинг илмий-тажриба станцияларида давлат-хусусий шериклик асосида юқори ҳосилли, экспортбоп мева ва узум кўчатлари етиштириш йўлга қўйилади. Бунинг учун ҳар бир вилоятда камида 100 гектар майдонда ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос интенсив кўчатчилик хўжаликлари ташкил этилади. Маҳаллий уруғчилик хўжаликларидан уруғ ва кўчат сотиб олинганда, бунга кетган маблағнинг 20 фоизигача қисми тўлаб берилади.

Шунингдек, муқобил энергияда ишлайдиган лимончилик иссиқхоналари қуриш харажатларининг ҳам бир қисмини қоплаб бериш тартиби жорий қилинади.

Йиғилишда пахта-тўқимачилик кластерлари самарадорлигини ошириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

— Кластер — изланиш, инновация, дегани. Агар кластерлар эртанги кунни тасаввур қилиб ишласа, қўшимча қийматли маҳсулотларни бозорга олиб чиқиб, рақобатбардош бўлиши мумкин. Дунё тажрибасини ўрганиб, маҳсулотни кўпайтириб, таннархни камайтириш керак, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари ҳар доим вазифа қўяр экан, аввало, унинг маблағини ҳал этиб беради. Аграр тармоқни барқарор молиявий ресурслар билан таъминлаш учун бу йил Қишлоқ хўжалиги жамғармасига 24 триллион сўм маблағ йўналтирилмоқда. Бунда, биринчи марта, сабзавот етиштиришга Марказий банкнинг асосий ставкасида кредитлар бериш учун 300 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, бошоқли дон ва пахта етиштириш, пахта-тўқимачилик кластерлари ва кооперацияларига 19 ойгача кредитлар бериш учун ҳам қўшимча маблағлар талаб этилади.

Шу мақсадда, бугун Қишлоқ хўжалиги жамғармаси фаолияти ҳамда ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида Президент қарори қабул қилинди. Йиғилишда ушбу қарор мазмун-моҳияти, ижроси ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари соҳада илм-фан ва ахборот технологияларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Полиз ва сабзавотчиликни ривожлантиришда АҚШ, мева етиштиришда Буюк Британия, дончиликда Австрия, ўсимликлар ҳимояси бўйича Нидерландия, ўсимликлар озиқланиши ва ҳужайра биологияси бўйича Германия тажрибасини ўрганиш, экспертларни жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

Қишлоқ хўжалиги вазирининг ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди ва алоҳида тузилма ташкил этилмоқда. Ушбу тузилмага йил якунига қадар 3 миллион гектар суғориладиган ерлар мониторинги, тупроқ таркиби ва экинлар ҳақидаги маълумотларни мужассам этган ахборот тизимини йўлга қўйиш топширилди. Бу мақсадларга халқаро молия ташкилотларининг 10 миллион доллари йўналтирилади.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалиги ерлари билан боғлиқ муносабатларнинг барқарорлигини таъминлаш, давлат мониторинги, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги "Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6061-сон фармонига асосан:

а) **Қишлоқ хўжалиги вазирлиги** қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланишни ташкил этиш ва муҳофаза қилиш соҳасида самарали давлат назоратини амалга оширишда:

қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларини мониторинг қилиш;

қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш;

қишлоқ хўжалиги ерларининг муҳофаза қилинишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматини ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

тупроқ бонитировкасини ўтказиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга ошириш бўйича ишларини ташкил этади.

б) **Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги** (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги) ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида:

ер тоифасидан қатъи назар, барча турдаги ноқонуний ер участкалари ҳамда бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатларини аниқлайди;

ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниши ва ушбу ер участкаларида ўзбошимчалик билан иморат қурилишини аниқлайди;

ер участкаси чегараларини ўзбошимчалик билан ўзгартиришга йўл қўймаслик чораларини кўради;

давлат кадастрларини юритиш тартибига риоя этилишининг назорат қилинишини таъминлайди.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилишда давлат назоратини янада мустаҳкамлаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тузилмасида:

а) ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг аграр соҳани рақамлаштириш масалалари бўйича ўринбосари ва унга бўйсунувчи марказий аппаратдаги **16 та штат бирликларини қисқартириш** ҳисобига:

аграр соҳани жадал рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларига замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш масалаларига масъул бўлган **вазир ўринбосари лавозими** киритилсин;

Давоми 2-бетда

## ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБ ЙЎЛЛАДИ




**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев**
**Жаноби Олийларига**

**Муҳтарам Шавкат Миромонович!**
**Азиз қардошим!**

Менинг номимга йўлланган, Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий қардошлик алоқалари чуқур таҳлил қилиниб, мамлакатларимиз ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар мавжудлиги қайд этилган мактубингиз учун Сизга чуқур миннатдорлик билдириш шарафига муяссарман.

Сизнинг икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳақидаги фикрларингизни тўлиқ қўллаб-қувватлар эканман, мен Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик характерига эга эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Халқларимиз ўртасида яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш тамойилларига мувофиқ кўп йиллардан буён жадал ривожланиб келаётган дўстлик ва қардошлик алоқалари бугунги кунда янги мазмун касб этганини катта мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Олий ва юқори даражадаги доимий мулоқотлар икки томонлама ҳамкорликнинг юксак даражасини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Сиз билан Ашхобод ва Тошкентда бўлиб ўтган учрашувларимизни, уларда Туркманистон – Ўзбекистон муносабатларининг турли жиҳатларини муҳокама қилганимиз, кўплаб муҳим маданият масканларининг очилишида қатнашганимизни алоҳида ёрқин таассуротлар билан эслайман.

Тошкент шаҳрида туркман шоири ва файласуфи, мумтоз адабиётимиз намояндаси Махтумқули шарафига номланган кўча ҳамда унинг сиймоси тасвирланган ёдгорлик, "Ашхобод" маданият ва истироҳат боғи, шунингдек, Хоразм вилоятида Ўзбекистон — Туркманистон дўстлик уйи ва "Улли ҳовли" маданий мажмуасининг очилиши халқларимизнинг абадий дўстлиги ва биродарлигининг ёрқин рамзи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўз навбатида, Туркманистон пойтахтидаги "Илҳом" марказий хиёбонида Шарқнинг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг улкан ёдгорлиги ўрнатилди ва Ашхободнинг бевосита Президент саройига яқин марказий кўчаларидан бирига улуғ шоирнинг номи берилди.

Бундан ташқари, 2017 йилда Сизнинг Туркманистонга давлат ташрифингиз доирасида Туркманобод шаҳрида ўзбек халқининг буюк ўғлони, атоқли давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳайкали очилди, унинг номи Лебап вилоятининг маъмурий маркази кўчаларидан бирига берилди.

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Айни вақтда Сизга шуни ҳам маълум қилмоқчиманки, куни кеча Ашхобод марказида Ўзбекистон пойтахти шарафига замонавий "Тошкент" маданият ва истироҳат боғини лойиҳалаштириш ва қуриш учун тендер эълон қилинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон компанияларини ушбу тендерда иштирок этишга таклиф қиламан.

Шу билан бирга, яна бир муҳим янгиликни сизга етказмоқчиман. Яқинда биз 2020 йилги энг намунали ижтимоий-иқтисодий ва маданий кўрсаткичлар бўйича Туркманистон туманлари ўртасида ўтказилган танлов ғолибини эълон қилдик. Ушбу танловда Тошҳовуз вилоятининг С.А.Ниёзов тумани ғолиб бўлиб, 1 миллион АҚШ доллари миқдорида мукофотга сазовор бўлди. Ушбу туман аҳолисининг 99 фоизини ўзбеклар ташкил этишини таъкидлаш менга мамнуният бағишлайди.

Маданий-гуманитар алоқалар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни равнақ топтиришда муҳим роль ўйнайди. Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантирар эканмиз, биз туркман ва ўзбек халқларининг азалий биродарлик ва ўзаро меҳр-оқибат анъаналарига, уларнинг туб маънавий ва тарихий қадриятлари муштараклигига таянамиз.

Шу нуқтаи назардан, 2021 йил 17 февраль куни Ашхободда буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 538 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтганини таъкидлаш ҳам менга мамнуният бағишлайди.

Бундай тадбирларни ўзаро ўтказиб бориш умумий маданиятларимиз, тарихий сиймоларимизни оммалаштиришга катта ҳисса қўшади, халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлайди.

Азиз биродарим!

Туркманистон ижобий бетарафлик тамойилларига асосланиб, минтақавий ва минтақалараро ҳамкорликда доимо фаол иштирок этмоқда.

Бугунги кунда Туркманистон ташаббуси билан минтақанинг барқарор тараққиётига амалий туртки беришга қаратилган энергетика, транспорт ва коммуникация соҳаларида кенг миқёсли минтақалараро лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, биз Ўзбекистоннинг 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдид ва имкониятлар" мавзусида юқори даражали халқаро конференция ўтказишга доир ташаббусини олқишлаймиз ва тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Ушбу форумга катта аҳамият берган ҳолда, Туркманистон унинг ишида иштирок этиш учун расмий делегацияни юборади. Конференция иши самарали бўлади, унинг натижалари эса Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро алоқалар ва кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳурматли Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлиқ, кўп қиррали давлатчилик фаолиятингизга катта муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,**
**Туркманистон Президенти**

ТИРИКЛИК ҲИКМАТИ — СОҒЛИКДА

## ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИ ҲАР НАРСАДАН АФЗАЛ ВА БЕБАҲОДИР



*Шаҳло ТУРДИҚУЛОВА, инновацион ривожланиш вазирининг биринчи ўринбосари*

**Коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ вазият дунёни қалқитиб юборди. Миллиардлаб инсонлар кўнглига эртанги кунидан хавотир туйғуси тушди. Ҳануз бу ҳиссиёт, қўрқув кўпчиликни тарк этгани йўқ. Жумладан, юртдошларимиз иродаси ва сабр-матонатини ҳам жиддий синовдан ўтказди.**

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўтган йилнинг 11 мартида коронавирус инфекцияси билан боғлиқ эпидемиологик вазиятга пандемия, деб баҳо берган даврдан шу кунга қадар COVID-19 221 мамлакатда қайд этилди. Коронавирус аниқланганлар сони 110 миллиондан, касалликдан вафот этганлар 2,4 миллиондан ошди. Илм-фан, тиббиёт, нанотехнологиялар тараққий этган давримизда шунчалик талафот кузатилгани пандемия инсониятни нечоғлик мураккаб аҳволга солиб қўйганидан далолат беради.**

Давоми 3-бетда

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЭКИНЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДНИ КЕСКИН КЎПАЙТИРИШ ВА СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ УСТУВОР ВАЗИФА

Бошланиши 1-бетда

Шу билан бирга, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида Агрохизматлар марказини ишга тушириш бўйича топшириқ берилди.

Видеоселектор йиғилишида сувдан тежаб фойдаланиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Жорий йил суғориш мавсумида сув таъминоти меъёрга нисбатан 25 фоиз кам бўлиши кутилмоқда. Шу боис, сув исрофига умуман йўл қўймаслик ҳаётий зарурат.

Хусусан, 430 минг гектарда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш орқали 3 миллиард кубметр сувни иқтисод қилиш мумкин.

Бу, ўз навбатида, шундай технология ва ускуналарга талабни оширади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, томчилатиб суғориш тизимлари ва қувурлар ишлаб чиқариш учун жорий йил февраль-апрель ойларида 35-40 минг тонна полиэтилен зарур. Шу боис, сув тежовчи технологиялар учун зарур бўлган полиэтилен ва полипропилен учун импорт божи 1 октябргача бекор қилингани айтилди.

Сув хўжалиги вазирлигига 3 мингдан зиёд насосларни таъмирлаш ва янгилаш, насос станцияларида электр энергияси ва сув сарфини "онлайн" мониторинг қилиш тизимини жорий этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш чора-тадбирларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Бу йил 1 июлдан бошлаб, қўшилган қиймат солиғидан қарздорлиги бўлмаган чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик ва балиқчилик хўжаликларига етиштирган маҳсулоти учун бюджетдан субсидия ажратилиши таъкидланди.

Шунингдек, чорвачилик корхоналарига хомашё ва технологияларни импорт қилишда бир қатор енгилликлар берилади. Балиқ ва парранда етиштиришдаги нобудгарчиликни суғурталаш тартиби ишлаб чиқилади.

Чорвачиликда озуқа-ем масаласи долзарб. Шу боис, янги ўзлаштириладиган ерлар чорва комплекслари учун тақсимлаб берилиши, 28 минг гектар лалми ва яйловларда ҳамда 173 минг гектар асосий экиндан бўшаган майдонларда омихта-ем етиштирилиши белгиланди.

Мазкур йўналишларда малакали кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, ҳокимлар, қишлоқ хўжалиги тармоқлари раҳбарлари ахборот берди.

**ЎзА**

## МУНОСАБАТ




# ЯНГИ ЮКСАЛИШ ДАВРИГА ҚАДАМ



***Худоёр МАМАТОВ,***
***юридик фанлар доктори,***
***профессор***

Аввало, барчамизни мамнун қилгани кенгаш анжуманида Ўзбекистон етакчиси барча давлат раҳбарлари орасида биринчи бўлиб сўзга чиққани бўлди. Халқаро экспертлар ушбу нутққа муносабат билдирар экан, Ўзбекистонда кейинги йилларда юз бераётган жадал ўзгаришларнинг туб маъноси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясининг қабул қилиниши, Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларига қатъий риоя қилишига эришиш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла маънода таъминлаш билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидламоқда.

2020 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштириш, ҳуқуқий онг ва маданиятни ошириш, бу йўналишдаги мавжуд камчиликларни тизимли равишда бартараф этиш йўллари очиқланди.

Мамлакатимизда "Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун" кўкрак нишони таъсис этилди. "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги, "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Кам таъминланган оилалар қизларига олий таълим муассасаларига кириб ўқиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун имтиёзлар берилди. Давлатимиз раҳбари ёшларнинг ҳуқуқий онгини оширишга, бу йўналишда тегишли таълим олишига алоҳида эътибор бермоқда.

Кейинги йилларда давлат бошқаруви тизимида хотин-қизларнинг сафи кенгайди. Ўзбекистонда ёшлар парламенти, Ёшлар ишлари бўйича агентлик, бандликни таъминлаш жамғармалари фаолият юритмоқда. Мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этиб, ўз истеъдодини намоён этаётган йигит-қизлар давлатимизнинг нуфузли мукофотларига сазовор бўлмоқда.

Юртимизда фуқароларнинг суд орқали ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши кафолатлари кучайди. Кассация инстанцияси ислоҳ қилиниши билан эндиликда апелляция инстанцияси томонлардан бири ҳукмдан норози бўлганида ишни янгидан кўриб чиқишга юбормасдан, уни ўзи тўла ҳажмда кўриб чиқиш имкониятига эга бўлди.

Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик ва адолат тамойилларига мутлақо зид бўлган, собиқ тузумдан қолган усул — мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланди. Мамлакатимизда болаларни мажбурий меҳнатга жалб этиш қонун йўли билан тақиқланди. "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Кейинги тўрт йилда 60 мингдан зиёд киши Ўзбекистон фуқароси, деган шарафли номга эга бўлди. Адашиш ёки алдов йўли билан мамлакатни тарк этган, уруш ҳаракатлари мавжуд ҳудудларда қолиб кетган ватандошларимизга меҳр-оқибат кўрсатилиб, уларни юртга қайтариш, жамиятга мослаштириш чоралари кўрилди.

Президентимиз ўз нутқида дунё ҳамжамияти эътиборини яна бир марта Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича ёндашувларининг асосий нуқталарига қаратди. Ҳар галгидек, янги таклиф ва ташаббуслар ўртага ташланди, уларни амалга ошириш механизмлари айтилди.

Давлатимиз раҳбари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шаънини улуғлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга амал қилиш, бағрикенглик ва очиқлик, мамлакатнинг ҳар бир аъзосига олис келажакда эмас, бугун ўз ҳаётидан мамнун бўлиб, орзу-умидлари рўёбга чиқиб яшаши учун зарур шарт-шароитларни яратиш Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг бош мақсади эканини уқтирар экан, **"Биз инсон ҳуқуқлари борасида ҳали улкан йўлнинг бошида турганимизни яхши тушунамиз",** деди.

Ҳа, Ўзбекистон чиндан ҳам янги маърифий уйғониш фасли, деб аталаётган улуғ йўлнинг бошида турибди. Бу йўл эл-юртимизга янги ҳаётбахш ўзгаришлар олиб келиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

**Аграр соҳада рақамли технологияларни ривожлантириш бошқармаси** ва **Геоахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси** ташкил қилинсин;

Бунда, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги "Агросаноатни рақамлаштириш маркази" давлат муассасаси фаолиятини мувофиқлаштириш аграр соҳани жадал рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларига замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш масалаларига масъул бўлган вазир ўринбосарига юклатилсин;

б) **2021 йил 1 мартдан** Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланишни назорат қилишга доир **110 та** штат бирликларини қисқартириш ҳисобига вазирликка тўғридан-тўғри бўйсунувчи **Қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари** ташкил этилсин;

в) қонунчиликда белгиланган тартибда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ер тузиш, ер мониторинги, экинларни жойлаштириш ва экилишини мониторинг қилиш тадбирларини амалга ошириш мақсадида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар, халқаро молия институтлари маблағлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари ҳисобидан қўшимча штат бирликлари киритилсин;

г) вазирлик ҳузуридаги "Мониторинг хизмати" давлат муассасаси ва вазирлик марказий аппаратидаги Ички назорат хизмати негизида **8 та штат бирлигидан** иборат **Ички аудит ва комплаенс-назорат бошқармаси** ташкил этилсин.

3. Кадастр агентлигининг "Ўздаверлойиҳа" давлат илмий-лойиҳалаш институти (кейинги ўринларда — Институт) ва унинг ҳудудий бўлинмалари штат бирликлари ҳамда моддий-техника базаси, Институтнинг ҳудудий бўлинмалари балансида турган бино-иншоотлар 2021 йил 1 мартдан бошлаб Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимига ўтказилсин.

Бунда, 2023 йил 1 январга қадар:

Институт Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, "Ц" мавзесида жойлашган Кадастр агентлиги биносининг бир қисмидан;

Кадастр агентлигининг ҳудудий бошқармалари ва ташкилотлари Институтнинг ҳудудий бўлинмаларига қарашли биноларнинг бир қисмидан текин фойдаланади.

4. Қуйидагилар:

**Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси** 1-иловага мувофиқ;

бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони **201** нафардан иборат **Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси** 2-иловага мувофиқ;

**Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тузилмаси, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг намунавий тузилмаси** 3 ва 4-иловаларга мувофиқ;

**Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари ходимларининг чекланган сони** 5-иловага мувофиқ;

**туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимларининг намунавий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган сони** 6-6а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидагилар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбалари этиб белгилансин:

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратчилари томонидан кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларга асосан ундириладиган жарималарнинг 50 фоизи;

ўзбошимчалик билан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар бўйича ҳисобланган маблағларнинг 5 фоизи.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

қонунчиликда белгиланган ваколатлар доирасида тўғридан-тўғри маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар расмийлаштириш ва айбдор шахсларни жаримага тортиш;

тадбиркорлик субъектларида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ўрганиш ишларини, шунингдек, экинларни хатловдан ўтказиш ва ўлчаш, уларнинг норматив қийматини аниқлаш, ерлардан мақсадли фойдаланилишини ўрганиш ҳамда геоботаник ва тупроқ-тадқиқот ишларини Текширувларни электрон рўйхатга олишнинг ягона тизимида рўйхатга олинмаган ҳолда амалга ошириш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳолатини, қишлоқ хўжалиги экинлари ва агротехник тадбирларни учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар) дан белгиланган тартибда фойдаланган ҳолда мониторинг қилиш мақсадида учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар) дан фойдаланиш ва уларни тўловсиз учиришни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги мақсадида учувчисиз учиш аппаратларини (дронлар) ишлаб чиқарувчи корхоналардан тендерсиз тўғридан-тўғри харид қилиш.

7. Кадастр агентлиги тизимидаги Республика аэрогеодезия марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудлараро бўлинмалари ташкил этилсин.

8. Республика аэрогеодезия марказига ер тузишга оид комплекс тадбирларни бажаришга йўналтирилган лойиҳа-қидирув ва тадқиқот ишларини бажариш, ерларни хатловдан ўтказиш, давлат ер кадастрини юритиш учун зарур маълумотларни тайёрлаш бўйича қўшимча вазифа ва функциялар юклатилсин.

9. Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д.Кудбиев) ва Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) билан биргаликда **уч ой муддатда** Солиқ кодексига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар Кадастр агентлигининг Миллий географик ахборот тизимида давлат рўйхатидан ўтмасдан ердан фойдаланишни **ердан ноқонуний фойдаланиш** деб ҳисоблаш ҳамда унга нисбатан ер солиғи ставкасини 10 баравар миқдорида қўллаш;

ер участкалари **ўзбошимчалик билан эгалланган** ва ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи **ҳужжатларда кўрсатилганидан ортиқроқ ҳажмда фойдаланилганда,** шунингдек, ер участкасидан белгиланган мақсадларда фойдаланмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда, ер солиғининг белгиланган ставкаларини 20 баравар миқдорида ундириш.

10. Кадастр агентлиги (Ф.К.Умаров) **2021 йил 1 июлга қадар:**

ерга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, ҳужжатлар тўпламини шакллантириш ва уларни кўриб чиқиш мониторингини юритиш бўйича "E-YER NAZORAT" автоматлаштирилган ахборот тизимини (кейинги ўринларда — "E-YER NAZORAT" тизими) яратсин;

ерга оид ҳуқуқбузарликларни ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиш ва натижалари тўғрисидаги маълумотларни "E-YER NAZORAT" тизимига киритиб бориш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлинмалари, судлар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ахборот тизимига интеграция қилсин;

"E-YER NAZORAT" тизимининг самарали ишлашини таъминлаш, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолатларини аниқлашда жамоатчилик назорати, назоратчи инспекторлар ва ер тузувчиларни рағбатлантириш, шунингдек, ноқонуний ҳолатлар тўлиқ бартараф этилгунга қадар изчил назорат олиб бориш механизмларини назарда тутган ҳолда Давлат ер ва кадастр назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д.Кудбиев):

**бир ой муддатда** қишлоқ хўжалиги ерларини тўлиқ хатловдан ўтказиш орқали уларнинг электрон хариталарини яратиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини;

Адлия вазирлиги (Р.Қ.Давлетов) билан биргаликда **уч ой муддатда** Жиноят кодексига ер участкаларини, шу жумладан, муҳофаза этиладиган зоналар, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмаслик ҳолатлари бўйича жиноий жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Кадастр агентлиги (Ф.К.Умаров) бир ой муддатда "Ўздаверлойиҳа" давлат илмий-лойиҳалаш институти ҳамда Кадастр агентлигининг ҳудудий бўлинмалари фаолиятига алоқадор идоравий сақлов муддати тугаган геодезик ва картографик материалларни Давлат картография-геодезия фондига давлат сақловига топшириш, амалда фойдаланишдаги барча ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини тегишлилиги бўйича ўзаро алмашишни таъминласин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев):

**уч ой муддатда** қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни мониторинг ва муҳофаза қилишда давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин;

"Ўздаверлойиҳа" давлат илмий-лойиҳалаш институти фаолияти самарали йўлга қўйилишини таъминласин.

14. Қуйидагилар:

а) Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д.Кудбиев зиммасига:

2021 йил якунига қадар қишлоқ хўжалиги ерларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларнинг электрон хариталарини яратиш;

"E-YER NAZORAT" автоматлаштирилган ахборот тизимини ишга тушириш ҳамда тегишли вазирлик ва идораларни мазкур тизимга интеграция қилиш;

б) қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев зиммасига:

"Ўздаверлойиҳа" давлат илмий-лойиҳалаш институти, Қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бошқармаси ва ҳудудий ер тузувчилар фаолиятини ташкил этиш учун зарурий воситалар билан таъминлашга халқаро грант маблағларини ўрнатилган тартибда жалб қилиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан, самарали фойдаланиш ва экинлар ҳолатини назорат қилишни рақамлаштириш;

қишлоқ хўжалиги ерларини мониторинг қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш;

в) қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари М.И.Рузметов зиммасига:

ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларини мониторинг қилиш ишларини самарали ташкил этиш;

тупроқ бонитировкасини ўтказиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга ошириш юзасидан шахсий масъулият ва жавобгарлик юклансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 24 февраль

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



ТИРИКЛИК ҲИКМАТИ — СОҒЛИҚДА

# ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИ ҲАР НАРСАДАН АФЗАЛ ВА БЕБАҲОДИР

Бошланиши 1-бетда

Инсоният турли хасталиклар билан курашиб келяпти. Бу курашда касалликка қарши иммун тизимини ҳосил қилувчи вакциналар муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, пандемия тарқалиши билан дунёнинг барча ривожланган мамлакатлари коронавирус вакцинасини яратиш йўлида қаттиқ изланишга киришди. Мана шу интилишлар натижасида бугунги кунда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Россия, Хитой, Жанубий Корея ва Ҳиндистоннинг йирик фармацевтика компаниялари ва илмий-тадқиқот марказлари томонидан коронавирусга қарши ишлаб чиқилган ўн тўртта вакцина ЖССТда тасдиқдан ўтказиш ҳамда учинчи босқич клиник синовлари жараёнида. Бутун инсоният шуларга умид нигоҳини қаратган.

ЖССТ талабига кўра, ҳар қандай вакцина бир йил давомида клиник синовлардан ўтгандан кейингина рўйхатга олинади. Бироқ коронавирус



инфекциясининг кескин тарқалиши ҳамда ўлим кўрсаткичининг юқорилиги сабабли COVID-19 га қарши иккита вакцина (Pfizer ва AstraZeneca) фавқулодда фойдаланиш учун рўйхатга олинди.

Айрим мамлакатларда коронавирус билан боғлиқ эпидемиологик барқарорликни таъминлаш мақсадида ЖССТ рўйхатга олмаган ёки учинчи босқич клиник синовлари якунланмаган вакциналар фавқулодда ҳолатни инобатга олган ҳолда оммавий эмлашга тавсия этилди.

Дунё аҳолисининг ўн уч фоизини ташкил этадиган Европа Иттифоқига аъзо йигирма саккиз мамлакат ва тўртта йирик давлат (АҚШ, Канада, Буюк Британия ва Япония) коронавирусга қарши вакциналарнинг дунё бўйича учдан икки қисмига буюртма бергани, шунингдек, унга бўлган талаб юқорилиги ҳамда ишлаб чиқариш қуввати етарли эмаслиги туфайли жаҳон миқёсида тақчиллик кузатилмоқда. Ваҳоланки, буюртма берилган айрим вакциналарнинг, ҳатто клиник синовлари ҳам якунланмаган.

Европа мамлакатлари орасида аҳолини оммавий эмлаш кўрсаткичи шу йилнинг 15 февраль ҳолатига кўра, Буюк Британияда 0,8 фоиз, Германияда 1,3 фоиз, Италияда 2 фоиз, Францияда 0,6 фоиз, Испанияда 1,9 фоизни ташкил этди. Ҳар юз минг кишига нисбатан эмланган аҳоли кўрсаткичи бўйича Мальта биринчи ўринни эгаллади. Европа комиссияси шу йил ёз мавсуми охиригача аҳолининг етмиш фоизини эмлашни режалаштирмоқда.

Европа Иттифоқида фақат Pfizer/BioNTech, Moderna ва AstraZeneca вакциналари маъқулланган ҳамда улардан фойдаланиш тавсия этилган. Бироқ ишлаб чиқарувчилар вақт нуқтаи назаридан ушбу препаратларни етарли миқдорда ишлаб чиқариш учун қувват етишмаслигини қайд этмоқда.

Мана шундай мураккаб вазиятда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги фармойишига биноан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси ҳамда ҳукумат томонидан аҳолини коронавирусга қарши оммавий эмлаш юзасидан қатор чора-тадбирлар бажарилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз аҳолисини коронавирусга қарши эмлаш тадбирлари коронавирус пандемиясига қарши курашиш ва вакцина сотиб олиш харажатларига йўналтирилган 3 триллион сўм маблағ ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган. Халқимиз саломатлигини сақлаш йўлида давлатимиз бундан ҳам кўпроғига қодир. Зеро, айни пайтда халқимизни коронавирусга қарши эмлаш жараёнига қаратилган эътибор ривожланган мамлакатлар даражасида экани эътироф этилаётир.

Юртдошларимизни оммавий эмлаш мақсадида дунёнинг 12 та фармацевтика компанияси ҳамда илмий-тадқиқот марказлари билан COVID-19 га қарши вакциналарни тезкор етказиб бериш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Коронавирусга қарши эмлашнинг халқимиз учун энг самарали ва тезкор йўллари изланяпти. Бу жараёнда Санитария-эпидемиология хизмати ҳамда юртимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, оммавий эмлашга тайёргарлик доирасида ўзбекистонлик бир гуруҳ мутахассислар "Спутник V" вакцинасини ишлаб чиқариш жараёни билан танишиш мақсадида Россия Федерациясига хизмат сафарига юборилди. Сафар давомида "Спутник V" вакцинасини Ўзбекистонга етказиб бериш ҳамда юртимиз фуқароларини мазкур вакцина билан эмлаган ҳолда Россия Федерацияда ишлашига рухсат бериш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Мамлакатимизга тақдим этилган юз доза миқдоридаги "Спутник V" вакцинасининг лаборатория текширувлари ҳамда Россияда ўтказилган учинчи босқич клиник синовлари натижалари асосида Ўзбекистон Республикасида сертификатланган ҳолда оммавий қўллашга рухсат этилди. Ҳозир Россия инвестиция фонди билан бир миллион доза "Спутник V" вакцинасини харид қилиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Юқорида айтганимиздек, мамлакатимизга коронавирусга қарши вакцина келтириш борасида барча имконият ва воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилиняпти. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси GAVI (Вакциналар ва иммунизация бўйича глобал альянс) ташкилотининг COVAX (коронавирусга қарши эмлаш механизми) фондига аъзо давлатлар қаторига киритилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мазкур фонд ҳисобидан юртимиз аҳолисининг йигирма фоизини коронавирусга қарши эмлаш учун етарли миқдорда вакцина келтириш учун буюртма тайёрланиб, GAVI ташкилотига тақдим этилган. COVAX фонди дунё бўйлаб вакциналарни ишлаб чиқариш имкониятидан келиб чиққан ҳолда, шу йилнинг ярмигача мамлакатимизга 2,64 миллион доза AstraZeneca вакцинаси босқичма-босқич етказиб берилишини маълум қилди.



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи чоғида Инновацион ривожланиш вазирлиги (Ўзбекистон) ҳамда Фан ва техника вазирлиги (Хитой) ўртасида Илмий-техник ҳамкорлик бўйича қуйи қўмита фаолияти йўлга қўйилган эди. Мазкур қўмита томонидан коронавирусга қарши вакцина ишлаб чиқишда ҳамкорлик ўрнатиш бўйича амалий чоралар кўрилди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги, Хитой Фанлар академияси Микробиология институти ва ушбу мамлакатнинг Zhifei Longcom Biopharmaceutical Co.Ltd компанияси ҳамкорлигида коронавирусга қарши янги рекомбинант вакцинаси бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Ҳамкорлик доирасида Хитойнинг Zhifei Longcom Biopharmaceutical Co.Ltd компанияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Вирусология илмий-тадқиқот институти ўртасида уч томонлама шартнома асосида коронавирусга қарши "ZF 2001" вакцинаси бўйича клиник тадқиқотлар ўтказиш юзасидан битим имзоланди.

Вакциналар яратилиши бўйича тўрт хил хусусиятга эга бўлади.

**Биринчиси,** кучсизлантирилган SARS-CoV-2 вакцинаси бўлиб, организмга юборилганда вирус қайта фаоллашиши ҳамда коронавирус инфекциясини келтириб чиқариши мумкин.

**Иккинчиси,** м-РНК турдаги вакцина ҳимоя қобиғига ўралган коронавирус геноми фрагменти асосида яратилади. Бу янги технология бўлиб, олдин қўлланилмаган. Инсон саломатлигига таъсири номаълум. -70°С ёки -80°С шароитда сақлаш лозим. Бироқ бундай имконият фақат махсус лабораторияларда мавжуд.

**Учинчиси,** аденовирус векторли вакциналар аденовирус асосида сунъий яратилган вирус ва коронавирус оқсилини кодловчи ген бўлагидан ташкил топган. Одам организмига коронавирус ДНК бўлаги киргач, коронавируснинг тузилиш оқсили синтезланади. Ёт ДНК бўлагининг одам геномига интеграциялашиш эҳтимоли мавжуд.

**Тўртинчиси,** рекомбинант оқсил вакциналари коронавирус ташқи оқсили биотехнологик усул билан синтезланиб олинади. Организмга юборилганда оқсилга нисбатан иммун жавоб ҳосил бўлади. Бошқа турдаги вакциналар билан солиштирганда, энг юқори хавфсизлик профилига эга. Сўнгги ўн йилда кенг қўлланган вакцина тури ҳисобланади. Гепатит, папиллома, пневмония, менингакокк ва бошқа хасталикларга қарши иммунитет ҳосил қилиш учун қўлланган. Сақлаш шароити ҳам мавжуд имкониятларга мос: +2°С дан +8°С гача муҳитда сақлаш мумкин.

"ZF 2001" вакцинаси рекомбинант оқсил вакциналари туркумига мансублиги ҳамда ножўя таъсирлар юзага келиши бошқа турдаги вакциналарга нисбатан камлиги инобатга олиниб, унинг клиник тадқиқотларини ҳамкорликда ўтказишга қарор қилинди. Мазкур вакцинанинг бир ва икки босқичли клиник синовлари натижаларига кўра ножўя таъсири 0,3-0,5 фоиздан кам бўлган.

Рекомбинант оқсилли "ZF 2001" вакцинаси Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази томонидан белгиланган тартибда барча хавфсизлик кўрсаткичлари синовидан ўтказилди. Унинг ижобий натижалари асосида аҳоли орасида учинчи босқич клиник синовларга рухсат берилди.

Ушбу тадқиқотлар ҳамкорликда ўтган йилнинг ноябрь ойидан буён Zhifei Longcom Biopharmaceutical Co.Ltd компаниясининг саккиз нафар илмий ходими ва мамлакатимиздан ўттиз нафар олим ҳамда 112 нафар тиббиёт ходими иштирокида юртимизда ўтказилмоқда.

Республика махсус комиссиясининг қарорига кўра, "ZF 2001" вакцинасининг учинчи босқич клиник синовлари дастлабки босқичи тиббиёт ходимлари томонидан клиник синовда қатнашувчи шахсларнинг тиббий назоратини тизимли ташкил этиш учун Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий гвардия кўнгилли хизматчиларида ўтказилиши белгиланди.

Тадқиқотларда ҳар бир кўнгилли иштирокчи 28 кун оралиғида уч дозада "вакцина/плацебо" схемасида эмланиши кўзда тутилди. Бугунги кунга қадар (2021 йил 24 феврал ҳолатига кўра) 6 минг 835 киши биринчи, 4064 киши иккинчи, 254 нафар кўнгилли учинчи доза билан эмланди. Клиник синовда қатнашувчилар умумий ўн маротаба поликлиникага келиб, кўрикдан ўтиши белгиланган. Синов иштирокчиларининг биринчи эмлашдан кейин етти кун давомида, кейинги ҳар бир эмлашдан сўнг саккизинчи куни тиббий кўрикдан ўтиши таъминланмоқда. Шунингдек, ҳар уч кунда Call-center ходимлари телефон орқали боғланиб, кўнгиллиларнинг аҳволидан мунтазам хабардор бўлмоқда.

Бизни хурсанд қилган натижа шуки, Zhifei Longcom Biopharmaceutical Co.Ltd компанияси коронавирусга қарши вакцинани яратишда Ўзбекистоннинг ҳиссаси ва саъй-ҳаракатларини инобатга олиб, мамлакатимизни "ZF 2001" вакцинасини бирга яратган ҳаммуаллиф давлат сифатида эътироф этди. Ушбу янги вакцинани "ZF-UZ-VAC 2001" номи билан биргаликда ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишга розилик билдирилди.

Бугунги кунда вакцинанинг мамлакатимизда учинчи босқич синовлари муваффақиятли ўтказилаётгани ва Ўзбекистоннинг ушбу вакцинани яратиш ва ишлаб чиқаришда ҳаммуаллиф давлат этиб белгилангани инобатга олиниб, "ZF-UZ-VAC 2001" вакцинасини фавқулодда вазиятларда фойдаланишга рухсат бериш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Вакцина ҳаммуаллифи сифатида тан олиниш мамлакатимизга кўплаб янги имкониятларни тақдим этади. Аввало, эмлаш воситаси юртимизда ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон бренди сифатида дунёга танилади. Минтақа аҳолисига вакцина етказиб берувчи давлат мақомига эришамиз. Шундай бўлгач, юртдошларимизни коронавирусга қарши эмлаш жаҳондаги вакцина ишлаб чиқарувчилар таклиф этган қийматдан анча арзонга тушади. Бу — пандемия ҳали-ҳамон инсониятни таҳликада тутиб турган бир пайтда дунёнинг кўплаб давлатлари ҳавас қилгулик муваффақият.

Мамлакатимизда коронавирус инфекциясига қарши эмлаш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ вазифалар белгилаб олинди. Унга мувофиқ, халқаро тажриба асосида хавф гуруҳига кирувчи шахслар, яъни дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 4 миллиондан зиёд аҳолини биринчи навбатда эмлаш режалаштирилмоқда. Бу тоифага 65 ёшдан юқори қариялар, тиббиёт ходимлари, сурункали касалликка чалинганлар, мактабгача таълим ва умумтаълим муассасалари ходимлари, Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари киритилган.

Айни пайтда эмланиши зарур бўлган шахсларнинг электрон рўйхатини шакллантириш, 3 минг 138 та эмлаш пункти, 862 та ҳаракатдаги ва мобиль бригада фаолиятини йўлга қўйиш ишлари олиб боriляпти. Битта марказий, ўн тўртта ҳудудий ҳамда 206 та туман (шаҳар) вакцина сақлаш жойи мавжуд бўлиб, улардаги 457 та совиткич, 148 та электр генератори, 121 та термосумка ва термоконтейнерлар шай ҳолатга келтирилди.

Бундан ташқари, аҳолини коронавирусга қарши эмлашга талаб юқори бўлган тақдирда, ҳудудлардаги спорт иншоотлари ёки бошқа бинолар, ҳозир консервация қилинган тақсимлаш ва саралаш марказларида вакцинация тадбирларини оммавий ташкил этиш режалаштирилган. "Совуқлик занжири" тизимини сақлаган ҳолда вакциналарни ҳудудлар орқали ташиш учун мамлакатимизга ўн еттита авторефрижератор ва икки юз олтита мини-авторефрижератор келтирилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа ҳудудий бюроси ҳамкорлигида шу йилнинг 21-27 февраль кунлари аҳолини эмлаш жараёнига жалб этиладиган тиббиёт ходимлари коронавирусга қарши эмлаш бўйича қайта ва тўлиқ тайёргарликдан ўтказилади.

Давлатимиз раҳбари коронавирус юртимизга кириб келган илк кунлардан бошлаб халқимиз саломатлигини муҳофаза этишга барча куч ва имкониятлар сафарбар этилишини таъкидлаб келади. Ўтган давр мобайнида бу борада салмоқли натижаларга эришганимиз Президентимиз айтган сўзлар амалда ўз ижобатини топаётганидан далолатдир.

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

# МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

## одамларнинг идорама-идора сарсон бўлишини камайтирмоқда

*Алишер АБДУСАЛОМОВ,*
*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қибрай туманидаги Халқ қабулхонаси мудири*

**Юртимизда кейинги йилларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, ариза ва шикоятларини ўз вақтида ўрганишга, жойида ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу жараён барча даражадаги давлат бошқаруви органлари, жумладан, Президент Халқ қабулхоналари зиммасига ҳам юксак масъулият юкламоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қибрай туманидаги Халқ қабулхонаси томонидан ҳам аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш, вақтида ижобий ҳал этиш мақсадида сектор ҳамда туман ташкилотларининг биринчи раҳбарлари иштирокида шахсий ва сайёр қабуллар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Асосийси, қабулларда бир неча йиллардан буён фуқароларни қийнаб келаётган муаммоларга ечим топиляпти.

Мисол учун, "Тинчлик" маҳалласида яшовчи фуқаро М.Илёсов қабулхонага мурожаат этиб, 30 йил зарарли ва оғир шароитларда ишлагани, бир неча йиллардан буён унга имтиёзли тарзда ёшга доир пенсия тайинланмаётганини маълум қилди.

Таъкидлаш керакки, муаллифнинг ушбу масалада мутасадди идораларга йўллаган кўплаб мурожаатлари ижобий ечимини топмаган. Ўрганиш давомида унинг важлари тўғри экани тасдиқланди. Туман Халқ қабулхонаси аралашувидан сўнг мурожаат қаноатлантирилиб, М.Илёсовга имтиёзли тарзда ёшга доир пенсия тайинланиши таъминланди.

Бундан ташқари, туман Халқ қабулхонаси томонидан хотин-қизларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, ишбилармонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Тадбиркор З.Салайдинова ўз фаолиятини кенгайтириш учун 100 миллион сўм кредит олишда ёрдам сўраб қабулхонага мурожаат қилган эди. Унинг мурожаати "Савдогарбанк" Қибрай филиали кўмагида тезкорлик билан ижобий ҳал этилди.

"Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" давлат дастури ижроси юзасидан туманда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларда мотивация ёки касбий кўникмани шакллантириш, ижтимоий ҳуқуқий, психологик ва молиявий кўмак беришга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

Масалан, "Янги ҳаёт" маҳалласида яшовчи, 2003 йилда туғилган 2-гуруҳ ногирони К.Қобулов туман Халқ қабулхонасига мурожаат қилиб, компьютер технологиясига қизиқишини, ўрта мактабни тамомлаб, келгусида ахборот-технологиялари соҳасидаги олийгоҳда таълим олмоқчилигини, лекин оилавий шароити оғирлиги сабаб ота-онасининг компьютер сотиб олиб беришга имконияти йўқлигини маълум қилди. Бизнинг ташаббусимиз билан туманнинг 1-сектор раҳбари кўмагида мактаб ўқувчиси К.Қобуловга компьютер олиб берилди.

Таъкидлаш жоизки, барча даражадаги давлат органлари фаолиятида халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган тамойил асосида аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг сифатини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш муҳим вазифадир. Мурожаат-



лар билан ишлашнинг янги тизими ва изчил ислоҳотлар туфайли фуқароларнинг муаммоларини асоссиз равишда у идорадан бу идорага ошириш, одамларни ортиқча сарсон қилиш камаймоқда. Давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органларининг ижро масъулияти, фуқароларнинг эса ўз ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун мурожаат қилиш маданияти янада такомиллашмоқда. Бу эса, сўзсиз, давлат ва халқ ўртасида ишонч янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, бирор идора эшигини муаммосига ечим топиш илинжида излаб келган фуқаро давлат ва жамиятга бўлган ишончини мурожаатига қандай муносабат билдирилганида кўради. Шундай экан, ҳар бир давлат хизматчиси мурожаатлар ортида инсонлар тақдири турганини унутмаслиги лозим.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ



**Атрофимизни сунъий воситалар ўраб олган бугунги даврда инсонлар табиийликнинг қадрига кўпроқ ета бошлади. Бу барча жабҳаларда кўзга ташланяпти. Айниқса, тўқимачилик саноатида табиий бўёқларда бўялган матоларнинг қиймати янада ортиб, одамларнинг унга бўлган талаб ва қизиқиши кун сайин ўсиб бормоқда.**

**Барча замонларда алоҳида қадрланган табиий бўёқлар сифатли ва экологик тоза маҳсулот бўлгани учун ҳам одамлар эътиборини тортади ва ҳеч қачон урфдан қолмайди. Улар орасида қимматбаҳо индигофера ўсимлиги баргларидан олинадиган индиго ҳаворанг бўёғи алоҳида ажралиб туради. Лотин тилидаги маъноси — “ранглар қироли” номи билан донг таратган бўёқ етти иқлимга машҳур. Унинг номи, ҳатто тарихий манбаларда ҳам учрайди. Маълумотларга кўра, қадимги Миср фиръавни Тутанхамоннинг индиго билан бўялган бир либоси 3,5 минг йил мобайнида ўз ранги ва сифатини йўқотмай сақланиб қолган. Миллий тарихимизда ҳам бунга мисоллар кўп. Манбаларда ёзилишича, буюк бобомиз Алишер Навоийнинг тўнига ҳам индиго бўёғида тус берилган экан.**

# ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА ЯНГИЛИК:

## қимматбаҳо ўсимликдан табиий бўёқ олиш йўлга қўйилди

*Ирода ТОШМАТОВА,*
*“Янги Ўзбекистон” мухбири*



Жаҳон бозорида табиий бўёқлар билан ранг берилган матоларнинг қиймати анча юқорилиги бежиз эмас. Боиси, улар кўп вақт мобайнида ўз сифатини йўқотмайди ва ўзгармай туради. Юртимизда ҳам бундай матоларга талаб бор. Аммо республикамизда табиий бўёқ олинадиган ўсимликлар деярли етиштирилмагани боис, улар шу кунга қадар хориждан қиммат нархларда импорт қилинган.

Маҳаллий эҳтиёжни қондириш мақсадида ўтган йили Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги “ТСТ Cluster” кўп тармоқли кластери илк бор индигофера ўсимлигини етиштириш ва қайта ишлаш лойиҳасига қўл урди. Дастлабки йил корхона томонидан 80 гектар майдонга ўсимликнинг “Феруз-1” нави, асосан, уруғлик олиш мақсадида экилиб, парваришланди ва ундан бўёқ ҳамда сифатли уруғ олишга эришилди.

### ТАБИИЙ БЎЁҚ МАНБАИ

Индигофера ўсимлигининг ватани Ҳиндистон экани айтилса-да, у мўътадил иқлим шароитига эга Миср, Япония, Европанинг жанубий минтақалари, Россия ва АҚШ ҳудудларида ҳам яхши ўсган. Одамларнинг ундан хабардорлиги олис минг йилликларга бориб тақалади. Узоқ вақтлардан буён ушбу мўъжизакор ўсимликдан бир неча йўналишларда кенг фойдаланилади. У қишлоқ хўжалигида ерларнинг унумдорлигини оширишга ёрдам берса, полиз экинлари, мевали дарахтзорлар, чой ва қаҳва плантациялари ҳамда токзорлар учун азот манбаи ҳисобланади. Тибет ва Ҳинд-Хитой халқ табобати, фармацевтика саноатида антибактериал ва замбуруққа қарши восита сифатида алоҳида қадрланади. Ўсимлик номини кўплаб дори воситалари таркибида учратиш мумкин. Осиё ва Европа тўқимачилик саноатида эса индигоферага жун, ипак, пахта ип ва матоларни бўяш учун олинадиган қимматбаҳо индиго табиий бўёғи (кўк рангдан то тўқ қизил ранггача) манбаи сифатида қаралади.

Бўйи одатда 1-1,5 метрга борадиган индигофера ўсимлиги иссиқ иқлимга эга тропик ўлкаларда яхши ўсади. Барглари узунчоқ, тоқ патсимон кўриниши билан ёдда қолади. Дуккаклилар оиласига мансуб бу ўсимликни ёввойи турлар қаторига киритиб бўлмайди, шунинг учун у фақат маданийлаштирилган шаклда ўстирилади.

Индигофера авваллари республикамизнинг тупроқ-иқлим шароитида саноат мақсадларида экилмаган. Тарихий манбаларда ҳам Марказий Осиёда уни саноат мақсадлари ва табиий бўёқ олиш учун экиш билан боғлиқ маълумотлар учрамайди. Бу борадаги тадқиқотларни ўтказиш ЮНЕСКО илм-фан бўлимининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан 2005–2007 йилларда “Ўзиндиго” лойиҳаси доирасида бошланган. Олимлар Орололди ерларининг табиий шўрланган шароитларида бир қанча тажрибалар ўтказди. Аммо бу қишлоқ хўжалигига доир тадқиқотлар эди.

### КЛАСТЕРДА САНОАТ ЗАНЖИРИ ТЎЛИҚ ЎЗЛАШТИРИЛМОҚДА

“ТСТ Cluster”нинг ўтган йил апрель ойида йўлга қўйган лойиҳаси эса ўсимликдан саноат мақсадларида фойдаланишга оид илк йирик амалий қадамлардан бири бўлди. Ноёб индиго бўёғини олиш мақсадида кластернинг “Абай” ва “Юлдуз” ҳудудларида биринчи марта индигофера ўсимлигининг хориждан олиб келинган уруғлари экилди. Қоидасига кўра, ўсимлик бўёқ ишлаб чиқариш хусусиятларини йўқотмаслиги учун экилгандан сўнг 60-65 кун оралиғида йиғиб олинди. Кластерда уруғ сифатида териб олинган ҳосил жорий йилда қайта ерга қадалади. Мутахассислар битта майдондан мавсум давомида камида 2 марта ҳосил олишни кўзлаган.

— “ТСТ Cluster”нинг 80 гектар майдонида парваришланган индигоферанинг “Феруз-1” нави Қуйи Чирчиқ тупроқ-иқлимига тўлиқ мослашди, — дейди лойиҳа инвестори, Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раиси, сенатор Муртазо Раҳматов. — Биринчи йилнинг ўзида импорт ўрнини босувчи табиий пигментли бўёқ олишга муваффақ бўлдик. 1 гектар майдондан ўртача 18 тонна кўк масса, 36 килограмм пигмент олинди. Жами майдоннинг 20 гектаридан тажриба сифатида бўёқ олинган бўлса, қолган ерларда жорий йилда экиш учун сара уруғлик етиштирилди. 2021 йилда 200 гектар ерга индигофера ўсимлигини қадаб, ҳар гектар майдондан ўртача 40-60 килограмм, жами 8-12 тонна табиий бўёқ олишни мўлжаллаяпмиз.

Индигофера етиштириш бошқа дуккакли маҳсулотларни парваришлашга кетадиган харажатларга тенг бўлса-да, ундан табиий бўёқ моддаси оддий усулда, катта маблағ сарфланмасдан олинади. Фақат зарур агротехнологик тадбирлар тўғри олиб борилиб, ўсимлик етарли сув билан таъминланса бўлгани.

Ташаббускорлар шу йилнинг апрель ойида бўёқ олиш цехини тўлиқ ишга тушириш ҳаракатида. Бугунга қадар ҳовуз ва бошқа зарур иншоотларни қуриш, ускуна ва жиҳозларни монтаж қилиш ишлари якунланди. Ушбу цехнинг йиллик қуввати ҳозирча 20 тонна бўёқ олишга мўлжалланган. Келгусида унинг фаолияти кенгайтирилиб, ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш кўзда тутилган. Бу эса Ўзбекистонда илк бор индигофера ўсимлигидан саноат усулида сифатли табиий бўёқ олиш бошланганидан далолат беради.

Маълумотларга кўра, жинси матоси бўяладиган индиго кукунининг ҳар килограмми 80 АҚШ долларидан 240 долларгача баҳоланмоқда. Бўёқни маҳаллий шароитда олиш эса унинг нархини 50 долларгача арзонлаштириши мумкин. “ТСТ Cluster” ушбу бўёқни республикамиздаги тўқимачилик корхоналарига асосий етказиб берувчига айланиши кутиляпти. Ҳозирча унинг биринчи буюртмачиси Бухоро вилоятидаги “ВСТ Cluster”дир.

Мамлакатимизда биринчилардан бўлиб тузилган мазкур кластер давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 майдаги “Бухоро вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилган. Бу ерда пахта етиштиришдан тортиб уни чуқур қайта ишлашгача бўлган барча технологик жараёнлар занжир усулида амалга оширилади. Бу занжир Ромитан туманидаги 8 минг гектар майдонда етиштириладиган пахта толасидан ип йигириш, калавани бўяш, жинси матоси тўқиш ва жинси либослари тикиш тарзида бир-бирига боғланиб кетади.

**“Bukhara Cotton Textile” корхонаси ушбу ишлаб чиқариш занжирининг охирги ҳалқаси. 65 миллион АҚШ долларидан зиёд инвестиция маблағлари йўналтирилган мазкур корхона Германия, АҚШ, Бельгия ва Франциядан олиб келинган илғор технологик линиялар, асбоб-ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланган.**





Бу ерда, асосан, жинси матосидан тайёрланган кийимлар ишлаб чиқарилади. Бунинг учун дастлаб 8 450 тонна ип-калава йигирилади. Кейинги босқичда 15 миллион погонометр жинси матолар тўқилади. Учинчи-тўртинчи босқичларда эса улар қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотга айлантирилади. Мазкур тўқимачилик корхонасида 1500 нафар, кластер билан қўшиб ҳисоблаганда 6 000 нафар киши доимий иш билан банд қилинган.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили январь ойида корхонага ташриф буюриб, ишлаб чиқариш жараёнлари, маҳсулотлар сифатини кўздан кечирар экан, “Жинси матолар ва маҳсулотлар чиқариш бўйича энг илғор давлатлар билан рақобат қилиш мумкин. Чунки еримиз, сувимиз, пахтамиз ўзимизники. Ишлайман деган ёшларимиз кўп. Таннархни яна пасайтирса бўлади. Лекин сифати халқаро даражада бўлса, дунёда, албатта, ўз ўрнини топади”, дея таъкидлади.

Бугунги кунда корхонада йилига ўртача 12,5 миллион дона “деним классик” ва “деним стретч” шимлари тайёрланиб, харидорларга етказилмоқда. Улар индигофера ўсимлигидан олинган табиий рангда бўялади. Шу боис, мазкур бўёқ ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш орқали импорт ўрнини босиш ҳамда маҳсулот таннархини арзонлаштириш кўзда тутилган.

Ўтган йили чет давлатларга 8,2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Улар маҳаллий ва жаҳон бозорларига “B Jeans” бренди остида чиқарилди. Кластернинг ўз маҳсулотларини сотишга мўлжалланган савдо дўконлари ҳам бор. 2020 йилда Бухоро, Тошкент, Самарқанд ва Наманган шаҳарларида очилган ана шундай дўконлардан харидорлар ўз дидига мос, дунё брендларидан қолишмайдиган жинси шимларни харид қилмоқда. Келгусида мамлакатимиз бўйлаб шундай дўконлар сонини 50 тага етказиш, шунингдек, хорижда 100 та савдо нуқтасини ташкил этиш мўлжалланган. Уларнинг дастлабкиси яқинда Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида иш бошлади.

“Bukhara Cotton Textile” корхонасида ишлаб чиқарилаётган жинси матолари рангининг табиийлиги билан ички ва ташқи бозорда устунликка эга. Эндиликда “ТСТ Cluster” кўп тармоқли кластерида тайёрланадиган индиго табиий бўёғи келгусида нафақат “B Jeans” бренди, балки юртимиздаги бошқа кўплаб тўқимачилик фабрикаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ўзгача сифат ва жило бериб, уларнинг жаҳондаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# “МАҲАЛЛАБАЙ” ИШЛАШ

## ҳудудлардаги муаммоларни жойида ҳал қилиш имконини бермоқда



**Президентимизнинг “маҳаллабай” ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш тўғрисидаги ташаббуси, шубҳасиз, ҳудудлардаги муаммо ва ечимини кутаётган масалаларнинг иложи борича тезроқ бартараф қилинишига мустаҳкам замин яратади. Аҳоли турар жойларидаги мавжуд ҳолатни “маҳаллабай” ўрганиш шу ҳудудда яшаётган хонадонлар эгаларини тадбиркорликка кенг жалб этишга, уларни қўшимча даромад билан таъминлашга хизмат қилади. Аёллар ва ёшларга, ҳеч бўлмаганда, уйда туриб бирор юмуш билан шуғулланиш учун шароит яратади, ташаббускор тадбиркорларнинг истиқболли ғоя ва лойиҳалари рўёбга чиқиши учун имкониятлар эшигини очади.**

*Худойберди КАРИМОВ,*
*“Янги Ўзбекистон” мухбири*

Зомин туманида 2021 йилнинг илк кунларидан ушбу долзарб тизимни шакллантиришга киришилди. Бу борадаги ишлар, биринчи галда, маҳаллаларнинг ўзига хос “паспорти”ни яратиш билан бошланди. Туманнинг ҳар бир ҳудудидаги аҳолининг даромади ва унинг манбаси, одамларнинг иш билан таъминлангани, вақтинчалик ишсизлар, бирор тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни астойдил хоҳлайдиганлар аниқланиб, бу борадаги тегишли маълумотлар тўпланди. Бунда “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилганларга алоҳида эътибор қаратилди, уларнинг ташвиши, қизиқиши ўрганилди.

— Туманнинг “Аёллар дафтари”га киритилган 789 нафар фуқаро 9 та — “ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар”, “боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд хотин-қизлар”, “ижтимоий ёрдамга муҳтож 1 ва 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизлар”, “уй-жойини таъмирлашга муҳтож 1-гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизлар”, “нотурар жойларда истиқомат қилаётган, ўзининг ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жойи мавжуд бўлмаган хотин-қизлар”, “қарамоғида бир ёки ундан ортиқ 1 ёки 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз хотин-қизлар”, “тиббий ҳимояга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар”, “ҳуқуқий ёрдам олишга муҳтож хотин-қизлар”, “психологик маслаҳатга муҳтож хотин-қизлар” тоифаларига бўлинди, — дейди туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари Нигора Омонова. — Қисқа муддат ичида улардан 50 нафарга яқинининг бандлиги таъминланди, 33 нафарига имтиёзли кредитлар олиш учун сертификатлар берилиб, ҳужжатлари тижорат банкига тақдим этилди, 8 нафарига ҳуқуқий ёрдам, 2 нафарига психологик ёрдам кўрсатилди.

Зоминда аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида ўз томорқасидан икки-уч марта ҳосил олаётган хонадонлар сони ортиб бораётир. Туман секторлари қошида ташкил этилган ишчи гуруҳлар бу борадаги юмушларнинг боришини доимий назоратга олган. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими мутасаддилари бу гуруҳлар билан ҳамкорликда ташкил этилган минисекторлар таркибида “маҳаллабай” тизимни йўлга қўйиш чораларини кўрмоқда. Чунончи, жорий йилнинг ўтган даврида мазкур ишчи гуруҳлар аъзолари томонидан 24 мингга яқин томорқа ер эгаси билан тушунтириш-тарғибот ишлари ўтказилди. Уларга ердан унумли фойдаланиш ҳақида маслаҳат ва тавсиялар берилиб, техника, уруғлик, минерал ўғитдан кўмак кўрсатилди, 75 та ночор оиланинг аҳволи яхшиланди. Томорқасидаги ишларни ташлаб қўйган 52 нафар фуқаро огоҳлантирилди,

Туманда доимий иш жойига эга бўлмаган, чет элларда ишлаб қайтган 805 нафар фуқаро аниқланиб, уларга 1 гектардан ер майдони ажратишга қарор қилинди. Камбағалликдан чиқариш мақсадида кам таъминланган оилаларнинг 482 тасидан иссиқхона қуриш борасида тушган аризалар ҳам ижобий ҳал қилиниш арафасида турибди. Бу ҳужжатлар туман тижорат банкларига тақдим этилган ва тез орада молиялаштирилади.

— “Маҳаллабай” ишлаш тизими корхона, ташкилот ва муассасалар мутасаддиларининг ҳам ижтимоий фаоллигига ижобий туртки бўлмоқда, — дейди туман ҳокими Алишер Абдуғаниев. — Улар маҳаллаларда маънавий муҳитни шакллантириш, ёшлар тарбиясига эътибор қаратиш, миллий қадриятларимизни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ишларига ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Зеро, оиласи, рўзғоридан кўнгли тинч ишчи ёки ходимнинг ишида унум бўлиши шубҳасиз.

Зомин туманида 81 минг 679 нафар аёл истиқомат қилади. Бу туман аҳолисининг тенг ярми демакдир. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, туманда ташкил этилган аёлларни тадбиркорликка ўқитиш марказида 100 нафардан зиёд тингловчига сертификат берилди. Уларнинг 50 нафари имтиёзли кредит олиш имкониятига эга бўлди ва тикувчилик, қандолатчилик, гўзаллик салони, ҳунармандчилик йўналишларида фаолият бошлади. Бу аёлларнинг аксарияти “Темир дафтар”га киритилган оилалар вакиллари эканини ҳам эътиборга олиш лозим.

Умуман, туманда аёлларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Жумладан, эҳтиёжманд оилаларнинг вакили бўлган 54 нафар хотин-қизга даволаниш ва дори-дармон учун 111 миллион сўм, 50 нафарига уй-жойини таъмирлаш учун 210 миллион сўм маблағ ажратилди. 49 нафарига 56 миллион сўмлик маиший техника олиб берилиб, кўпчилиги учун уй шароитида ишлаш имконияти яратилди. Февраль ойида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳомийлигида “Аёллар дафтари”га кирган 8 нафар аёл Хива шаҳрига саёҳатга бориб келди.

— Зомин азал-азалдан гўзал табиати, соф ҳавоси, зилол сувлари, ўзига хос миллий таомлари билан нафақат мамлакатимиз, балки хорижий меҳмонларнинг ҳам эътиборига тушган, — дейди туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Бахтиёр Жонтурсунов. — Туманимиз туризмнинг кўплаб турлари ривожланган ҳудудга, халқаро андозаларга мос келадиган замонавий дам олиш масканларига эга мафтункор гўшага айланиб бормоқда. Ана шу ўзига хос имкониятлардан одамларимиз турмуш фаровонлигини ошириш, мўмай даромад олиш йўлларини қидиряпмиз. Масалан, сайёҳлик соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш тоғли ҳудудда жойлашган Дуоба қишлоғи аҳлининг турмуш тарзи ўнгланишига замин бўлмоқда. Бугун унчалик катта бўлмаган ушбу қишлоқда юздан зиёд меҳмон уйи, 50дан зиёд кемпинг ва дам олиш маскани, болалар оромгоҳлари мавжуд. Уларда йилига минглаб ҳамюртларимиз, хорижлик меҳмонлар ҳордиқ чиқармоқда. Қишлоқ аҳли бундан катта фойда кўраётир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, туманда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига замин, ҳамюртларимизнинг маънавий ва моддий ҳаёти янада юксалишига омил бўладиган жиҳатлар кўп. Энди бу имкониятлардан янада унумли фойдаланиш лозим.




ҚАРОР ВА ИЖРО

# ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

**Жаҳонгир ШУКУРОВ,**
**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқарма бошлиғи**

**Ҳозирги даврда турли ахборот тизимлари, маълумотлар манбалари ишлаб чиқилмоқда ва кундалик ҳаётимизга кириб келмоқда. Мазкур катта ҳажмдаги маълумотларни ўз вақтида, самарали ва ишончли тарзда таҳлил қилишга — иш жараёнларини мақбуллаштириш, юқори ҳажмдаги ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулотнинг юқори сифатини таъминлашда сунъий интеллект технологиялари кўмак беради.**

Бугунги кунда сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш масалалари энг долзарб, келгусида иқтисодий тараққиётга замин яратувчи муҳим омиллардан бири сифатида баҳоланмоқда. Шу боис, илғор хорижий давлатлар, хусусан, АҚШ, Германия, Япония, Франция, Жанубий Корея, Канада, Россия сунъий интеллект технологияларига катта эътибор қаратиб, уни ривожлантиришга йўналтирилган миллий стратегияни қабул қилди ҳамда уни амалга оширмоқда.

Президентимиз шу йилнинг 17 февраль куни "Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади. Мазкур ҳужжат билан мамлакатимизда сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш масалалари энг асосий йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди. Хусусан, "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегиясига мувофиқ ҳамда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва уларни мамлакатимизда кенг қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2021-2022 йилларда сунъий интеллект технологияларини ўрганиш ва жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Мазкур дастур ўз ичига саккизта устувор вазифани қамраб олган. Энг аввало, сунъий интеллектни ривожлантириш стратегиясини, мазкур йўналиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш, сунъий интеллект технологияларидан кенг фойдаланиш, соҳада инновацион ишланмаларнинг маҳаллий экотизимини яратиш, дастурий таъминот ишлаб чиқарувчиларига рақамли маълумотлардан фойдаланиш учун шароит яратишга эътибор қаратилганди. Давлат органлари ва ташкилотларининг тегишли маълумотларини тезкор рақамлаштиришни таъминлаш, сунъий интеллект соҳасидаги илмий ишлар ва ишланмаларнинг инвестицион жозибадорлигини шакллантириш, маҳаллий корхоналар ва мутахассисларнинг бу борадаги ахборот ресурслари ва билимлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, зарур таълим муҳитини ривожлантириш, сунъий интеллект ва уни қўллаш технологиялари соҳасида халқаро ҳамкорликни кучайтириш масалалари ҳам унинг асосий вазифалари сирасига киради.

Мазкур қарор билан сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган тажриба-синов лойиҳалари рўйхати тасдиқланди. Улар устувор тармоқлар, яъни қишлоқ хўжалиги, банк, молия, солиқ, транспорт, энергетика, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, электрон ҳукумат соҳаларида амалга оширилади. Эътиборлиси шундаки, ушбу жараёнларда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT Park) резидентларининг кенг иштироки ҳам таъминланади.

Бу борада тизимли ва кенг кўламли илмий изланиш ҳамда тадқиқотлар ўтказиш масалалари муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузурида Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти ташкил қилинди. Унинг вазифалари нафақат сунъий интеллект соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар ўтказиш ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишга, шу билан бирга, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш, рақамли технологияларни ривожлантиришнинг илмий экотизимини шакллантиришга ҳам қаратилади. Бир сўз билан айтганда, мазкур илмий даргоҳ илм ва ишлаб чиқариш соҳасини уйғунлаштиришда кўприк вазифасини ўтайди.

Юртимизда сунъий интеллект технологиялари соҳасини тараққий эттиришда кадрлар масаласи ҳам долзарб йўналишлардан бири. Шу боис, қарорда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб бакалавриат ва магистратура йўналишларида грант асосида "Сунъий интеллект" йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш босқичма-босқич бошланадиган олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар рўйхати шакллантирилди. Унга Тошкент ахборот технологиялари университети, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Самарқанд давлат университети каби етакчи маҳаллий олий таълим муассасалари киритилган. Бундан ташқари, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини амалий қўллаш бўйича ўқув курслари ва фанларини жорий қилиш кўзда тутилган олий таълим муассасалари рўйхати ҳам тасдиқланди.

Ушбу йўналишда жаҳон стандартларига мос таълим тизимини ташкил этиш мақсадида қарорда кўрсатилган ҳар бир олий таълим муассасасига камида бир нафар етакчи хорижий эксперт ва олим сунъий интеллект ва уни қўллаш технологиялари соҳасида ўқитишда иштирок этиш учун жалб қилиниши белгиланган. Шунингдек, 2021 йилдан бошлаб сунъий интеллект соҳасида стажёр-тадқиқотчилар ҳамда таянч докторантурада таҳсил олиш учун ҳар йили 5 кишилик квотанинг мақсадли ажратилиши кўзда тутилган.

Мазкур қарор, шубҳасиз, юртимизда сунъий интеллект технологиялари соҳасини комплекс ривожлантиришга туртки беради ва келажакда маҳаллий саноат тармоқларини, давлат ва ижтимоий соҳаларни замонавийлаштиришга ҳамда самарали ишлашга, ушбу соҳада етук мутахассисларни тайёрлашга замин яратади.



ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ

## давлат тилида иш юритишда намуна бўлиши керак




**Нагина ИБРАГИМОВА,**
**Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи**

**Тилнинг софлиги расмий ҳужжатлар ва уларни юритиш услубида яққол кўзга ташланади. Ҳужжат юритишда она тилимизнинг қонуният ва қоидаларига амал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳужжатларнинг давлат тилида юритилиши тилнинг истеъмол доирасини кенгайтиради. Ҳужжатлар тушунарли ва равон тузилиши, ғализликлар бўлмаслиги, имло, услубий жиҳатдан бехато бўлиши шарт.**

Расмий ҳужжатларда баён қилинган фикр мантиқий изчилликда ифодаланиши, етарли далиллар билан асосланиши ва хулосаланиши лозим. Акс ҳолда, маъно англашилмаслиги, тушунмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Ҳужжатлардаги турли хатолар кўчирмаларда яна такрорланади. Унга кўз ўрганиб, саводсизлик даражаси ошиб бораверади. Шу боис, мамлакатимизда сўнгги тўрт йилда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилган эътиборга молик чора-тадбирлардан бири, шубҳасиз, ўзбек тили нуфузини юртимиз ва халқаро миқёсда оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар бўлди.

Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига кўра тасдиқланган 2020 – 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясида давлат тилида соҳавий иш юритиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Айниқса, маърифат ўчоғи бўлган олий таълим муассасаларида давлат тилида ҳужжат юритиш, тўғри ёзиш, она тилимизнинг софлиги ва бойлигига эътибор қаратиш икки карра муҳимдир. Сабаби, бу масканда миллатнинг энг зиёли қатламлари фаолият юритади, минглаб тенгдошлари орасидан билими, заковатига кўра саралаб олинган ёшлар таҳсил олади. Сўз фикрнинг қуроли экан, ёшлар қанчалик кўп сўз билса, уларнинг фикрлаш доираси, дунёқараши ҳам шунчалик кенг бўлади. Бугунги кунда баъзи ёшлар хорижий тилларни пухта ўрганган бўлса-да, она тилида сўз бойлиги камлиги, сўзларнинг нозик маъно фарқларини англолмаслиги, битта ариза ёзганда бир неча хатолар қилиши ачинарли ҳолат.

Сабаби, ўтган йиллар давомида она тилимизнинг давлат тили сифатидаги мақоми секин-аста тушаётган, ҳатто оилавий мулоқот тили вазифасини ҳам бошқа тилларга бўшатиб бераётган эди. Шу даражага борилдики, мамлакатимиз пойтахти ва йирик шаҳарларидаги гавжум кўча ва хиёбонлар маҳаллий аҳоли тушунмайдиган бошқа тилдаги сўзларга тўлди. Йирик савдо ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчаларини номлашда бошқа тиллардаги атамаларга кўпроқ ўрин берилди. Давлат тилига риоя этилиши билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар талаблари қўпол тарзда бузила бошланди. Энг ачинарлиси, ўсиб келаётган авлод тафаккурида давлат тилига риоя этмаслик мумкин, она тили ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, деган тушунча муайян даражада шаклланишга улгурди. Буни уларнинг турфа тилга оид сўзлар қоришиқ нутқидан англаш қийин эмас. Шу ўринда шоир Эркин Воҳидовнинг "Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса..." шеъридаги қуйидаги сатрлари ёдимизга тушади: "Бедил қолиб Демян Беднийни суйса, Қора сочнинг малла бўлгани шудир...". Ваҳоланки, тилимиз миллий ўзлигимиз, ўзанимиз, келиб чиқишимиз, тарихимиз, таг-томирларимиздир. Ундан озиқ олиш учун "Алпомиш"ни эшитиш, Навоийни ўқиш зарур. Айниқса, она тилимизга ҳужум ва таҳдидлар кўпайиб бораётган бугунги глобаллашув шароитида бу жуда муҳим.

Бу талабаларга тақдим этиладиган ўқув материалларининг лисоний жиҳатдан пишиқ-пухта, бехато тайёрланишини тақозо этади. Силлабус, маъруза матни, тақдимот, видеоматериал, топшириқ ва машқлар, глоссарий, мустақил ўзлаштириш учун адабиётлар, борингки, ўқув материалларининг бирор бўлаги хорижий тилдан пала-партиш таржима қилинган, имло хатоларга тўла, услубий ғализ ҳолатда талабага етказилишига йўл қўймаслик керак. Бу олий таълим тизимида фаолият юритаётган ҳар бир профессор-ўқитувчининг масъулиятини оширади.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида бу масала алоҳида эътиборда. Янги ташкил этилган ўзбек тили ва адабиёти кафедраси тил билан боғлиқ бошқа масалалар қатори олий таълим муассасаларида расмий иш юритишда тўғри ёзиш қоидаларига амал қилинишини ўрганиб боради. Зеро, ҳужжатлардаги сўз ва қўшимчаларнинг ёзилиши муайян қоидаларга асосланмаса, мазмунда, ёзувда ҳар хиллик юзага келади. Шунинг учун ҳар бир ходим "Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари"нинг ҳар бир бўлимини пухта ўзлаштириши зарур. Ҳужжатлар расмий услубда юритилади. Демак, қарорлар, баённомалар, шартномалар, эълонлар ва бошқалар расмий услубда тайёрланади. Унинг асосий хусусияти аниқлик ва ихчамликдир. Ҳужжат матни дарак-ҳикоя услубида бўлиши, сўзларнинг бир маънода ишлатилиши, бадиий-тасвирий воситалар бўлмаслиги талаб этилади.

Она тилимиз софлигини сақлаш, мақомини улуғлаш бўйича саъй-ҳаракатлар университет доирасида қолиб кетаётгани йўқ. Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси томонидан Олмазор ва Юнусобод туманидаги умумтаълим мактабларининг ўзбек тили ва адабиёти, ўзбек тили (рус синфларида) фани ўқитувчиларининг малакаси оширилмоқда. Мактаб ўқитувчиларига энг малакали мутахассислар ўз тажрибасини етказмоқда.

Илмий йўналишда эса давлат тилида иш юритишдаги қоида ва меъёрлар, ҳужжатчилик тарихи ҳам ўрганиб бориладй. Мамлакатимиз ҳудудидан топилган маданий обидалар, турли моддий жисмларга битилган маълумотномалар аждодларимизнинг қадимдан ўзига хос ҳужжатчилик анъаналаридан дарак беради. Ўрта асрларда иш юритиш ҳуқуқий мақомга эга бўлди, давлат маҳкамасида муншаот тизими шаклланди ва қатор ҳужжат турлари пайдо бўлди. Бу каби тарихий ҳужжатлар мазмуни, тартиби ва нутқий қолипи билан ажралиб туради.

Бу йўналишдаги изланишлар қадимий анъаналаримиздан келиб чиқиб ва дунё миқёсида иш юритишнинг илғор тажрибаларидан ижодий фойдаланган ҳолда ҳужжатчилигимизни такомиллаштириш заруратини кўрсатади. Зеро, олий таълим тизимида ҳужжатларнинг соф ўзбек тилидаги ягона андозаларини яратиш, соҳага доир атамаларнинг бир хиллигига эришиш — бугуннинг талаби.

УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

# ҲУҚУҚ, МАЪНАВИЯТ ВА РУҲИЯТ

**Гулнора НОСИРХОДЖАЕВА,**
**Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири, фалсафа фанлари номзоди, доцент**

**Жорий йил 19 январь куни мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар кўлами ҳамда аҳамиятига диққат қаратсак, халқимиз маънавиятини асраш, уни такомиллаштириш қанчалар долзарб, чинакамига ҳаёт-мамот масаласи эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.**

Зеро, давлатимиз раҳбари куйиниб таъкидлаганидек, иқтисодий муаммоларни, камбағалликни бартараф этиш масалаларини тегишли молиявий ва моддий чора-тадбирлар билан ечиш мумкин, бироқ маънавий қашшоқлик, руҳий ночорлик, маърифий басирликдек хавфли иллатлардан халос бўлиш осон кечадиган жараёнлар эмас.

Қолаверса, бугунги тезкор интернет ва унинг чексиз ҳудудига тўфондек басма-бас қўшилиб бораётган ижтимоий каналларда дақиқа эмас, сониялар сайин урчиб-кўпайиб ётган маънавий-мафкуравий хуруж ҳамда ҳужумларга дош бермоқ — замонавий жамиятнинг энг оғриқли нуқтаси бўлиб қолмоқда. Шундай паллада миллат маънавиятини, қадриятларини асраш масаласи давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Айни ҳаётий ҳақиқат туфайли маънавият ва маърифат иши фақат шу соҳага мутасадди марказ ва унинг жойлардаги вакилларининг вазифаси бўлмай, балки одамлар яшайдиган, ўқийдиган, меҳнат қиладиган жамики манзиллар раҳбар ходимлари зиммасидаги энг муҳим, энг масъулиятли бурч экани қатъий уқтирилди. Мажлисда белгиланган ҳар бир вазифа мазмуни ва мақсадига синчиклаб назар солсак, уларнинг ўз вақтида ва сифатли ижроси сиз билан биздан муттасил бедорликни, тинимсиз илмий-ижодий меҳнатни талаб қилишига амин бўламиз.

Жумладан, тегишли вазирлик ва идораларга икки ой муддатда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишни янада такомиллаштириш ва ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотлар самарадорлигини оширишга қаратилган қарор лойиҳасини тайёрлаш вазифаси топширилган. Бу йўналишдаги фанлар эса аксарият олий таълим муассасалари талабаларига мўлжалланган.

Биз меҳнат қилаётган Тошкент давлат юридик университетининг асосий вазифаси — мамлакатга юқори малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаб беришдан иборат. Агар деҳқон тилсиз ер билан, боғбон забонсиз дарахту бута билан, муҳандис турли чизма ва ускуналар билан, заводдаги ишчи эса қалбсиз ва ҳиссиз темир дастгоҳлар билан ишласа, ҳуқуқшунослар ҳар куни, ҳар соатда тирик инсонлар билан мулоқотга киришади.

Одатда, уларга юзланадиган фуқаролар қайсидир ҳуқуқлари бузилган, чигал муаммолар гирдобида қолган, демакки, руҳияти, кайфияти ва ўзини тутиши ҳам шунга яраша ҳолга келган кишилар бўлади. Мурожаат қиладиган кишиларнинг маънавий дунёси бой, шунга яраша ахлоқи комил инсонлар бўлса-ку, бир нави, агар бунинг акси бўлса-чи? Ана унда ҳуқуқшунос тўқнашадиган манзараларни, ҳолатни ўзингиз тасаввур қилаверинг...

Ўз-ўзидан мантиқли савол кўндаланг бўлади: ҳуқуқшунос мутахассиснинг фақат қонунларни, кодексларни ва бошқа ҳуқуқий нормаларни билишининг ўзи унга рўбарў келадиган барча мижозлар билан бирдек тил топишиши, уларнинг муаммоларини вақтида ва қонуний ҳал этиши, бир сўз билан айтганда, одамларни ўзидан, қонундан ҳамда бу қонунларни амалга киритган давлатдан рози бўлиши учун етарлими?

Бизнингча, мутлақо етарли эмас!

Зеро, донишманд халқимизда "Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин", деган ҳикмат бор. Унга кўра, олимнинг, мутахассиснинг ўз соҳасида тўплаган билимлари ҳар қанча мўл-кўл бўлмасин, агар уларни оқилона қўллаш йўл-йўриқларини билмаса, қалби одамни тушунишдек руҳий илмлардан бебаҳра қолган бўлса, қайси гапни қачон, кимга, қанча ва қай тарзда айтишдек кўникмага эга бўлмаса, бундай ходимлар муаммоларнинг ечилишига эмас, аксинча, янада чигаллашишига "хизмат қилади", холос.

Мана шу ҳаётий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, университетимизда жорий ўқув йилидан бошлаб бакалавриат талабаларига, жумладан, "Ҳуқуқий кўникмалар ва методология" модули асосида таълим ҳамда тарбия бериш амалиёти йўлга қўйилди. Бунда бўлғуси ҳуқуқшунослар мутахассислик фанларида ўзлаштирадиган "hard skills" — қаттиқ (қатъий) билим ва кўникмаларга қўшимча тарзда "soft skills" — юмшоқ (мобиль) кўникма ва тажрибалардан баҳраманд бўлади. Мазкур фан учун ишлаб чиқилган дастур(Силлабус)да модулнинг вазифалари белгилаб берилган.



Ундан талабаларда мантиқий, танқидий ва аналитик фикрлаш тажрибасини ҳамда ҳуқуқий фаолиятга доир маълумотлар билан мустақил ишлаш кўникмасини ҳосил қилиш, уларда жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан шахсий ва танқидий тафаккурни шакллантириш, ҳуқуқий этикани ўзлаштириш ва профессионал жавобгарликни англаш, фуқаролик позицияси ва масъулиятини тарбиялаш ҳамда дахлдорлик ҳиссини кучайтириш каби йўналишлар ўрин олган.

Қуйидагилар эса модуль доирасида ўтиладиган айрим мавзуларнинг номлари: "Юрист фаолиятида ташаббускорлик, креативлик ва масалага ижодий ёндашув", "Ҳуқуқшуноснинг нутқ маданияти", "Юристнинг ёзма нутқи: талаб ва мезонлари", "Мантиқий тўғри фикрлаш ва ҳуқуқий асослашнинг юрист фаолиятидаги роли", "Адвокат, тергов ва прокуратура органлари ходимлари ҳамда судьянинг касб ахлоқи".

Кўряпмизки, модуль олдига қўйилган вазифалар ҳамда машғулотларда муҳокама қилинадиган мавзуларнинг номиёқ уларни ўргатишдан кўзланган мақсад-муддаони анчагина ойдинлаштиради.

Дейлик, бўлғуси юрист ўз фаолиятида танқидий ҳамда ижодий фикрлашни фаол қўллаши қанчадан-қанча назарий ҳамда амалий муаммоларга бошқачароқ ракурсдан назар солиш, бу орқали эса миллий юриспруденция соҳасини янги босқичга олиб чиқиш имконини берган бўлар эди. Чунки бугунги ахборотлашган, жамики инсонлар онгу шуурини ростидан кўра ёлғони кўпроқ хабарлар тинимсиз қамраб бораётган ҳаётда ҳақ билан ноҳақни аниқлаш айни шундай — чигал муаммоларга таҳлилий ёндашишни қатъий талаб қилмоқда.

Ушбу модулда талабалар бўлғуси иш фаолиятида зарур бўладиган амалий билим ва кўникмаларнинг турлари (карьерани режалаштириш, шахсий ривожланиш режасини тузиш, таъсирчан резюме яратиш, ҳуқуқий фаолият ҳамда тарғиботда қўлланиладиган тақдимот тайёрлаш ва ҳоказо), улардан ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари, мазкур кўникмаларни реал вазиятларда қўллаш ўринлари, услублари ва шаклларини ўрганади.

Талабалар олий ўқув юртини битириб ишга жойлашгач, давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролар ҳамда мижозлар билан бевосита ва билвосита муваффақиятли алоқага киришиш, амалиётда юзага келадиган турли муаммоли вазиятларни чуқур таҳлил қилиш кўникмаларини эгаллайди.

Бизнингча, касбий йўналишидан қатъи назар, замонавий кадрларни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашда, уларнинг жамоадошлари, минглаб кишилар билан тез ва самимий тил топишишига эришишда, ўзига мурожаат билан юзланган фуқароларни сидқидилдан тинглаш ҳамда муаммоларни қонуний ҳал этилишига кўмаклашувида шу сингари ижтимоий фанларни барча олий ўқув юртларида жорий этиш яхши самара берган бўларди. Бинобарин, маънавият тушунчаси ўз ичига жуда кўп ва ранг-баранг инсоний фазилатларни жамулжам этадики, улар ичида биз юқорида бир қисмини эслаган билим ва кўникмалар ўзининг муҳим ўрни ва аҳамиятига эга.

**Аждодларимизнинг Ватан тинчлиги ва озодлиги йўлидаги кураши бугунги кун ёшлари учун ибрат мактабидир.**
**Ҳар бир вилоятда Қатағон қурбонлари хотираси музейининг филиалларини ташкил қилишимиз керак. Улар университет ва институтлар қошида ташкил этилса, айни муддао бўлади. Қатағон қурбонлари хотираси бўйича мактаб дарсликларида махсус дастур асосида ўқитиш тизимини ишлаб чиқиш зарур.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ





# АЖДОДЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ НАМУНАСИ

*Муножат МЎМИНОВА,*
*“Янги Ўзбекистон” мухбири*

**Давлатимиз раҳбари 2017 йил 31 август куни Тошкентдаги Қатағон қурбонлари хотираси музейига ташриф буюрганида, бу музей энг яхши музей бўлиши, ҳар бир вилоят марказида ёки университет қошида унинг филиалларини очиш зарурлигини таъкидлаган эди. Шунга кўра, 2017 йил 22 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг музей ташкил этиладиган таълим муассасаларига амалий ёрдам кўрсатадиган ишчи гуруҳи тузилди. Республикамиз бўйича Қатағон қурбонлари хотираси музейлари ташкил этиладиган ҳудудлардаги олий таълим муассасалари белгиланди.**



Ана шундай муассасалар қаторига Андижон давлат университети киритилиб, Қатағон қурбонлари хотираси музейи ташкил этилди. Музей учун университетнинг янги ўқув биносидан жой ажратилди. Хона ва экспозиция заллари капитал таъмирдан чиқарилди. Экспонат ва кўргазмали воситалар учун янги ва замонавий мебеллар ҳамда инфокиоск, видеопроектор каби техник жиҳозлар, экспозиция заллари микроиқлимини мўътадиллаштириб турувчи совиткич-иситгичли қурилмалар ўрнатилди.

Шунингдек, музейнинг моддий-техник ҳолати мазмунига мос ҳолда бойитилди. Ўзбекистондаги давлат архивларида сақланаётган, шунингдек, музей директори, профессор Рустам Шамсуддиновнинг “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди ҳомийлигида Озарбайжон, Россия Федерацияси, Украина ва хорижий давлатларга уюштирган илмий экспедициялари чоғида юртимиз, халқимиз тарихига доир топилган қимматли материаллар келтирилди.

Жумладан, 1920 йил сентябрь ойида Бокуда ўтказилган Шарқ халқлари 1-қурултойи ва унда қатнашган ватандошларимиз ҳақидаги тарихий ҳужжатлар ва кинохроник материаллар, Россиядаги Дмитров лагерида ўзбек маҳбусларининг канал қурилишида иштирок этганидан гувоҳлик берувчи далиллар ва фотосуратлар, канал қурилгач, Москва яқинидаги “Бутово полигони”да қатл этилганлар билан боғлиқ архив маълумотлари, 1937-1938 йиллардаги “катта қирғин”да оммавий қатағон қурбони бўлган юртдошларимиз қисмати, қулоқлаштириш кампанияси даврида Украинанинг Херсон вилояти Голопристан, Каховский, Скадовский туманларига, Шимолий Қозоғистоннинг Қарағанда, Шортанди, Кўкчатов деган жойларига, Ўрта Осиёнинг ички чўл-дашт районларига сургун қилинган “қулоқ хўжаликлари” тақдирига доир материаллар ва бошқа қўлёзма, газета, эсдаликларда, сўнгги йилларда Россияда ва бошқа чет мамлакатларда нашр этилган кўплаб янги адабиётларда мустабид тузум даврида Туркистон, Ўзбекистон халқлари бошига тушган оғир, машаққатли, фожиали кунлар ва воқеалар ўз аксини топган.

Музейнинг **“Чор Россияси босқини ва мустамлакачилик режимига қарши Андижондаги озодлик курашлари тарихи (XIX асрнинг 60-йиллари — 1917 йил)”** деб номланган биринчи бўлимида андижонликларнинг чор Россияси босқини даврида кўрсатган қаҳрамонликлари, жасорати, матонати, мустамлакачиларнинг Андижон халқи бошига солган зулм ва истибдодлари, XX аср бошидан эътиборан, Андижонда маънавий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ўзгаришлар, уйғонишлар — тараққийпарварлик, жадидчилик ҳаракатининг юзага келиши суратларда, расмларда, тарихий ҳужжат ва қўлёзмаларда ўз аксини топган. Улар орасида моҳир мусаввирлар томонидан ишланган, Андижоннинг босиб олиниши, Дукчи Эшон қўзғолони, 1916 йил мардикорга олиш воқеалари акс эттирилган картиналар ташриф буюрганларнинг эътиборини тортмай қолмайди.

**“Зўрлик билан ўрнатилган совет ҳокимияти ва унинг зулмига қарши андижонликларнинг миллий озодлик ҳаракати (1917-1936 йиллар)”** номли иккинчи бўлимда эса зулм устига қурилган советлар ҳукмронлигига қарши миллий озодлик ва қуролли қаршилик ҳаракатлари тарихий расм ва ҳужжатлар орқали намойиш этилган. Жумладан, большевиклар томонидан қонга ботирилган Туркистон мухторияти, тарғибот ва қатағон ишларини амалга оширган “Қизил Шарқ” поезди, миллий озодлик учун курашганлар, советларнинг жазоловчи отрядлари, қатағонга учраган ҳукумат идора ходимлари ва диний уламолар, советларнинг миллий ва диний қадриятларга қарши юритган сиёсати ҳақидаги стендлар ушбу бўлимдан жой олган.

Музейнинг “**Коллективлаштириш, қулоққа тортиш, сургун қилиш, “катта террор” ва уларнинг Андижондаги фожиали оқибатлари (1929-1938 йиллар)”** номи билан аталган учинчи бўлимида советлар юритган коллективлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари, қулоқ қилинган ва Украина, Шимолий Қозоғистонда сургунда бўлган андижонликлар қисмати, “Катта террор”нинг бошланиши, қатағонга учраган юртдошларимизнинг ГУЛАГ лагерларидаги машаққатли меҳнати акс эттирилган. Шунингдек, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпонга бағишланган экспозицияда шоирнинг 1920 йили Боку шаҳрида ўтказилган Шарқ халқлари қурултойидаги иштирокига доир кинохроника, СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг Чўлпонни отувга ҳукм қилгани ҳақидаги ҳужжатлар берилган.

Музей йўлагидаги экспонатлар ҳам мавзу жиҳатидан советларнинг “Катта террор” қирғини жараёни билан боғлиқ. Бу ерда Андижондан қатағон бўлган, отилган ва узоқ муддатга қамалган 1 500 дан ортиқ аждодимизнинг исм-шарифлари ва махсус архивларда сақланиб қолган маълумотлари берилган.

Тўртинчи бўлим **“Андижон советлар истибдодининг янада кучайиши ва миллий уйғонишнинг янги босқичи даврида”** дея ном олган. Унда сиёсий қатағоннинг энг мудҳиш кунлари — 1937-1938 йиллардаги “Катта қирғин”нинг Ўзбекистон халқлари тақдиридаги машъум ўрни, Сталин даври қатағонларининг давоми, бу даврда қатағонга учраган ватандошларимизнинг аччиқ қисмати расм ва ёзув материаллари билан намойиш этилган. Советлар ҳукмронлигининг кейинги йилларидаги “пахта иши”, “ўзбеклар иши”га доир экспонатлар, Гдлян ва Иванов бошлиқ партия “десанти”нинг Ўзбекистонга хуружи ва уларнинг кирдикорлари ҳақида ҳам шу бўлимда танишиш мумкин.

**“Ўзбекистон давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва унинг тарихий аҳамияти. Андижон вилоятининг ижтимоий, иқтисодий, маданий, маърифий равнақи, буюк бунёдкорлик зафарлари”.** Музейнинг охирги — бешинчи бўлимида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши, истиқлол йилларида Андижон вилояти аҳолиси эришган ютуқлар стендларда намойиш этилган. Санаб ўтилган барча бўлимларга инфокиоск қурилмалар ўрнатилган, уларда бўлим мавзусига доир видеоматериаллар жамланган.

Андижон давлат университети тузилмасида мана шундай муҳташам, давр руҳини мавзу ва мазмун жиҳатидан вилоят мисолида ёритиб берган Қатағон қурбонлари хотираси музейи ҳозир қатағон қилинган юртдошларимизнинг авлодлари, хориждаги ноёб архив ва фотоҳужжатлар, аудио ва видеоматериаллар, жумладан, Ўзбекистон архивларидан топилган илмий материаллар асосида янгидан-янги экспонатлар билан бойитиб борилмоқда.

Музейга 1937-1938 йилларда Андижондан қатағон қилинганлардан 1 727 нафари ҳақидаги маълумотлар рўйхати жойланган. Айтиш жоизки, бошқа вилоятлардаги Қатағон қурбонлари хотираси музейларида бундай рўйхатни учратмайсиз. Ваҳоланки, ҳар бир ҳудудда музейга ташриф буюрувчи фуқаролар, ёшу қарилар ўзларининг 1937-1938 йилларда қатағон қилинган аждодларини номма-ном билишлари, уларнинг аянчли, фожиали тақдири билан танишишлари лозим. Шу маънода, Андижон давлат университетида шаклланган илмий жамоа ўз олдига Ўзбекистоннинг барча вилоятлари бўйича 1937-1938 йилларда қатағон қилинганлар (отувга ҳукм қилинган, турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм этилган, ГУЛАГ лагерларида ўлиб кетган, такроран қатағон қилинганлар) ҳақида тизимли тарзда биографик хроника тайёрлаш вазифасини қўйган.

Андижоннинг Қатағон қурбонлари хотираси музейи ёшларни маънавий-маърифий жиҳатдан тарбиялаш ва баркамол авлодни камол топтириш йўлида олиб борилаётган амалий ишларга муносиб ҳисса қўшмоқда. Қатағон қурбони бўлганларнинг авлодлари ўз аждодларини эслаб, бугунги кунларга шукроналик келтиради. Музей директори Рустамбек Шамсутдинов раҳбарлигида тайёрланаётган уч жилдли катта Хотира китоби Президентимиз ташаббуси ва топшириғи билан барча ҳудудлар кесимида тайёрланиб, нашр этилади.

Хулоса қилиб айтганда, Андижон давлат университети тузилмасида ташкил этилган Қатағон қурбонлари хотираси музейи, албатта, вилоят ижтимоий-маданий, маънавий-маърифий ҳаётидаги улкан воқеадир. Бугун бу жойга вилоятда фаолият юритаётган барча соҳа вакиллари, талабалар, мактаб ўқувчилари, Андижондаги олий ўқув юртлари талабалари ташриф буюрмоқда, музей залларида АДУ Тарих факультети талабалари қатағон мавзусидаги маъруза ва амалий машғулотларни ўтказишмоқда. Республикамизнинг таниқли давлат, ҳукумат, жамоат арбоблари, хорижлик, жумладан, Қозоғистон, Қирғизистон, Белоруссия, Россия, АҚШ, Туркия, Жанубий Корея давлатларидан келган илм-фан, таълим кишилари, сайёҳлар ҳам музей ҳақида гўзал таассуротларини ёзиб қолдирмоқда. Музей очилганидан буён юритилиб келинаётган таклиф ва таассуротларни қайд этиш китобини варақлаган киши бунинг нечоғлик ҳақиқат эканига гувоҳ бўлади.

## ШАРҚ ДУРДОНАЛАРИ

# БЕБАҲО МЕРОСГА ЮКСАК ЭЪТИБОР



*Давронбек МАХСУДОВ,*
*Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари доктори*

Ғарбда “Нур Шарқдан таралади”, деган ибора бежиз келтирилмайди. Чунки бу заминнинг буюк алломалари томонидан яратилган илмий-маънавий мерос Шарқ уйғониш даврининг дурдоналари сифатида дунё аҳли томонидан тан олиниб, жаҳон илм-фани ва цивилизация ривожига катта ҳисса қўшган. Эътироф этиш керакки, бунда қадим Мовароуннаҳрнинг ўрни ва роли бор.

Кейинги йилларда юртимизда аждодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, чуқур тадқиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Агар яқин ўтмишимизга назар ташласак, собиқ иттифоқ даврида “бисмиллоҳ” деб китоб ёзган ҳар қандай алломамизни “диндор” деб, асари у ёқда турсин, ҳатто номини тилга олиш ҳам мумкин эмас эди.

Ҳозирги кунда эса, бу бебаҳо диний ва дунёвий дурдоналарни ўрганиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Эндиликда ҳар йили аждодларимизнинг асарларини тадқиқ этишга қаратилган ўнлаб магистрлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинмоқда. Улар орасида Қуръон ва тафсир илмлари, ҳадис, ақида ва калом илми, фиқҳ, тасаввуф борасида улкан китоблар ёзган алломаларимиз ҳаёти ва ижоди ўрганилган тадқиқотлар кўпайиб бормоқда.

2020 йилнинг 11 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурида Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг ташкил этилиши ҳам аждодлар меросини ўрганиш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Яқинда Марказ илмий ходимлари томонидан Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” тафсир китобининг ўттизинчи жузи ўзбек тилига ўгирилиб, чоп этилган эди. Эндиликда унинг 29-жузи ҳам нашрга тайёрланди. Алломанинг яна бир шоҳ асари “Китоб ат-Тавҳид”нинг ўзбек тилига таржимаси амалга оширилмоқда. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўрта асрларда Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Абу Ҳафс Насафий, Абул Қосим Замахшарий сингари аждодларимиз араб тилида ижод қилиб, ушбу тилнинг таровати, жозибадорлигини янада орттирган бўлса, бугун бундай мўътабар асарларнинг она тилимизга таржима қилиниши халқимиз учун улкан туҳфа бўлмоқда.

“Игна билан қудуқ қазиш” сингари мураккаб саналган қўлёзма билан ишлашнинг осон вазифа эмаслиги маълум. Бироқ юртимизда ҳам бундай мактабнинг шаклланиши ва қўлёзмаларни ўз тилида чоп этилиши жаҳоннинг илмий доира вакиллари томонидан тан олинадиган амалиётлардан бири ҳисобланади. Соҳага қаратилаётган улкан эътибор сабабли кўплаб бундай салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Уларни жаҳонда тарғиб қилиш мақсадида хорижлик олим ва мутахассислар билан мулоқот ўрнатилди, илмий анжуман ва семинарлар мунтазам ташкил қилинмоқда. Бугун чет эллик олимларнинг юртимизга нисбатан юксак эҳтироми шаклланди.

Фан, таълим ва маданият масалалари халқаро ислом ташкилоти бош котиби доктор Солим Молик, Ал-Азҳар университети Ислом тадқиқотлари маркази директори доктор Назир Аййод, Мисрнинг Имом Ашъарий маркази, Туркия диёнат ишлари раиси, профессор Али Эрбаш, Туркиянинг Анқара ва Салжуқ университетлари, Малайзия исломни англаш институти раҳбарияти ҳамда олим ва мутахассислар бугунги ислоҳотларни юксак эътироф этиб, Ўзбекистондаги илмий-тадқиқот марказлари билан кенг кўламли ҳамкорлик ишларини йўлга қўйишга тайёр эканликларини билдирмоқда.

Юртимизда, Учинчи Ренессанснинг илмий пойдеворини барпо этишда етарли замин яратилган. Биз, авлодлар эса уни илм билан бойитиш, ёшларни миллий анъана ва қадриятларимиз асосида комил инсон қилиб тарбиялашдаги бирдан-бир тўғри йўл — илм билан нажот топишдир. Бу борада буюк мутафаккир алломаларимизнинг илмий-маънавий меросини ўрганиш ва ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш бугунги куннинг бирламчи вазифаси ҳисобланади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
**Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 601.
11950 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусаҳҳиҳ: Асолат Аҳмадқулова
Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

ЎзА якуни — 23:40 Топширилди — 00:10